



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 13 март, № 49 (9220)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 март куни кибержиноятлар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш юзасидан тақлифлар тақдими билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда интернет тармоғида ахборот тарқатиш ва маълумот излаш имкониятлари кенгаймоқда. Жумладан, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 31 миллиондан ошган бўлиб, шундан 14 миллиони ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарларнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кун сайин ортиб бормоқда.

Хусусан, сўнгги олти йилда юртимизда кибержиноятлар бўйича муносабатлар сони 48 бараварга ошган. Утган йилда содир этилган кибержиноятларнинг 82 фоизи, ўғирлик жиноятларининг 76 фоизи кибермақонда содир этилган. Улар орқали жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар 2 триллион сўмдан ошган.

Таъкидланганидек, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг кескин кўпайиб бораётгани миллий қонунчиликка шундай турдаги жиноятлар учун жазо чораларини оғирлаштириш ва кибержиноятларнинг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш бўйича нормаларни киритиш вақти келганини кўрсатмоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ҳамда кўплаб фуқароларга жабр келтираётган “молиявий пирамида” учун жазо чораларини қучайтириш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Фуқароларнинг ўз номларига расмийлаштирилган электрон тўлов воситалари ҳамда абонент рақамлардан фойдаланишда шахсий масъулиятини ошириш мақсадида ўз номидаги электрон тўлов воситаси, криптохамёни, SIM-картаси ва электрон акаунтлардан кибержиноятчи содир этишда фойдаланилишига йўл қўйганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш тақлиф қилинди.

Таъкидлаш керакки, бугун муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига қарши қаратилган киберҳужумлар натижасида катта салбий оқибатларга ва моддий зарар олиб келувчи киберҳужумлар глобал тус олиб, республикамизда ҳам кузатилмоқда. Бу эса юридик шахслар ўз тасарруфидаги ахборот тизимларининг хавфсизлигини бугунги кундаги замонавий таҳдидларга муносиб тарзда тақомиллаштириб бориши ва киберхавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишини тақозо этмоқда.

Шунга қўра, юридик шахслар томонидан ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун оқибат келиб чиққан-чиқмаганидан қатъи назар, маъмурий жавобгарлигини белгилаш тақлиф қилинди.

Ушбу амалиёт масофадан молиявий хизматларни кўрсатувчи банкларга ҳам тааллуқли бўлиб, улар ҳам ўз тизимларида киберҳужумларнинг олдини олиш бўйича ҳамда хавфсизлик чораларини мунтазам тақомиллаштириб бориш заруратини юзга келтирмоқда.

Хусусан, ўтган йилларда 3 та банк тизимидаги заифлик туфайли 3025 нафар мижозга 17 миллиард сўм моддий зарар етказилган.

Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлиги натижасида содир этилган кибержиноят оқибатида юзга келган моддий зарар учун жавобгар бўлишини қонуан мустаҳкамлаш ташаббуси илгари сурилди.

Тақдиримизда уюшган жиноятчиликнинг содир этиш шакли ва услублари янгилашиб бораётгани кўрсатиб ўтилди. Уюшган гуруҳлар томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини очикчасига менсимасдан, ўзини қонундан устун қўйиб, безорилик жиноятларини содир этганини ёки безорилик жиноятининг оғир шаклларида бири — ўқотар қуролни намойиш қилиб ёки уни қўллаб ҳамда такоррор содир этганини, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатган ҳолда содир этилганлик учун жазо чоралари бугунги кунда етарли таъсир кучига эга эмаслиги таъкидланди.

Шунингдек, сўнгги вақтларда жанговар (аралаш) спорт турлари бўйича яширин равишда ноқонуний жанглار ташкил қилиниб, уларда ёшларнинг иштирок этаётгани кузатилмоқда. Бироқ бугунги кунда бунинг учун жавобгар-

лик чоралари мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Шу боис қонун ҳужжатларига мана шундай хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга қарши аёвсиз курашиш, бундай иллатни таг-томири билан йўқотишга қаратилган нормаларни киритиш вақти келгани таъкидланди.

Оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этиш мақсадида жиноий уюшма ташкил қилганлик, уни молиялаштирганлик, улар томонидан содир этилган жиноятларни яширишга ҳомийлик қилганлик, жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларни ноқонуний ташкил қилганлик ва ўтказганлик учун жиноий жавобгарлигини белгиловчи, безорилик жинояти учун жазо чоралари кучайтиришни назарда тутувчи, шунингдек, қонунга зид равишда ташкил этилган жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашганлик учун маъмурий жавобгарлигини белгиловчи нормалар киритиш тақлиф этилди.

Муҳокама қилинган йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уюшган ва жамоат жойларидаги жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий механизмларини янада қучайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари тақдимот қилинди.

Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

### Шуқуқ

## ҚАДИМ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ — НАВРЎЗ

Буюк олим Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” асарига Наврўз ҳақида “Бу кун — фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу кунни фаришталар яратилган. Бу кунни пайгамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу кунни қўёш яратилган. Бу кунни шоҳлар ҳам қадрлайдилар, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир” дейди ва унинг тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалишини баён қилади.

Дарҳақиқат, минг йиллардан буён яшаб келаётган Наврўзнинг жозибаси, шуқуқи дунё миқёсида ҳам тан олинди, 2009 йил 30 сентябрда инсоният маданий меросининг ажралмас қисми сифатида ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. 2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида 21 март “Халқаро Наврўз кунини” деб эълон қилинди... Президентимизнинг

“2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиб, хаёлимдан ана шу фикрлар ўтди. Бу йилги байрам шодиёналар муқаддас Рамазон ҳайитига улашиб кетаётгани ҳам унинг қадрини яна бир қарор оширмоқда. Инсон манфаатлари, унинг қадрини юксалтиришга эътибор ҳақли равишда юртдошларимиз қалбида шукроналик туйғусини мустаҳкамламоқда.

### Муносабат

## АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИГА МУТЛАҚО ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болаларни ҳар қандай тазйиқ ҳамда зўравонликдан асраш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини қучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар аёллар ва болаларни ҳар қандай тазйиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоялаш, жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан муросасиз муҳитни шакллантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирилган ҳолда самарали йўлга қўйишда катта аҳамиятга эга.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, зўравонликнинг олдини олишда, аввало, профилактик ишлар муҳим ўрин тутди.

Фармонда бу борада маҳалла институти, хотин-қизлар фаоллари, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш назарда тутилган эътиборга молик. Зеро, маҳаллаларда оилалар ҳолатини ўрганиш, муаммоларни вазиятларини эрта аниқлаш ва профилактик чоралар кўриш орқали зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мумкин.

Эътиборлиси, эндиликда ҳужжат билан зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш борасида мутлақо янги ёндашув кўзда тутилмоқда. Хусусан, ҳимоя ордери берилган аёллар учун тезкор ёрдам чакирув тизими — махсус мобил иловалар орқали “SOS” сигнал юбориш имконияти жорий этилади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хавф туғилганда, ўз вақтида хабардор этишга имкон беради.

### Сенат қўмитасида

## РАҚАМЛИ ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚОНУНЛАР



Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг йиғилишида сенаторлар электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, айрим турдаги маҳсулотларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини тақомиллаштириш масалаларини кўриб чиқди.



### Онлайн мулоқот

## МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Эркин Гадов МДҲ иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг Назорат-бюджет комиссияси мажлисида онлайн шаклда иштирок этди.

МДҲга аъзо давлатлар парламентлари вакиллари, экспертлар ва мутахассислар қатнашган тадбир доирасида Ассамблея фаолиятининг молиявий таъминоти билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, 2025 йил учун молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши, Ассамблея фаолиятини таъминлаш бўйича даромад ва харajatлар сметасининг ижроси ҳамда 2026 йил учун молиявий кўрсаткичларга киритилаётган ўзгартиришлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ассамблея фаолиятини молиялаштириш тартибини тақомиллаштириш, 2026 йилга мўлжалланган иш режасига аниқликлар киритиш ҳамда Назорат-бюджет комиссиясининг ўтган йилдаги фаолияти юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

### «Ҳуқумат соати»

## ДЕПУТАТЛАР ВАЗИР ОЛДИГА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ ҚЎЙДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзЛиДеП фракцияси ташаббуси билан навбатдаги “Ҳуқумат соати” бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳолати, инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда ҳудудларда саноат лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.



Кун тартибидagi масала юзасидан депутатларнинг саволларига инвестициялар, саноат ва савдо вазир-и Лазиз Қудратов жавоб берди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, сармоядорлар фаолиятини ун қулай шарт-шароитлар яратиш, бу борада қонун-устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, инвесторлар билан ишлашнинг яхлит тизими жорий қилиниб, ишбилармонлар ҳуқуқларининг

ҳимояси қучайтирилди. Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаб турган кескин соддалаштирилди. Президент ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши эса инвесторлар масалаларига тезкор ечим топиш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш ва хусусий секторни ривожлантиришга хизмат қилляпти.

Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакатда бизнес юритиш учун очик ва барқарор муҳитни шаклланти-

риш, Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва зоқ мударрали ҳамкорга айлантириш, ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган очик ва прагматик ташқи сиёсат айнан инвестицияларни жалб этиш билан уйғунликда барқарор иқтисодий ўсишга хизмат қилмоқда. Қонунчилик базасининг мустаҳкамлиши Ўзбекистоннинг инвесторлар учун жозибадор марказга айланишига йўл очмоқда.



### Эшитув

## МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Соғлиқни сақлаш, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Биринчи даража-ли бюджет маблағларини

тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши тўғрисида”ги ахборотлари эшитилди.

Дастлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мақсадли индикаторлар бажарилиши ҳолати юзасидан ахбороти кўриб чиқилди.



### ОАҚТ ВА РАҚАМЛАР



Ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида сўнгги беш йилда 826,5 минг гектар ер қишлоқ ҳўжалиги фойдаланишига киритилди.

2026–2027 йилларда 620 минг гектар яйлов тикланади, шунинг 300 минг гектаридан яйлов ўсимликлари экилади, 130 минг гектаридан қудуқлар ўрнатилади.

Ўтган йилда 44 минг гектар самарасиз ерларда интенсив ва саноатлашган боғ ҳамда тоқзорларга асос солиниб, 37 мингта иш ўрни яратилди.

2026 йилда 25,5 минг гектар мевали боғлар ва 5 минг гектар узумзорлар ташкил қилиниб, 48 мингта доимий ҳамда мавсумий иш жойи очилади.

Қишлоқ ҳўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва соҳада илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш бўйича тақлифлар тақдимотидан.

# РАҚАМЛИ ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚОНУНЛАР



“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг муҳокамаси давомида электрон тижорат иштирокчилари ҳамда операторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, трансграний электрон тижоратни амалга ошириш, рақамли маҳсулотлар экспорт ва импортнинг ўзига хос хусусиятларини тартибга солишни назарда тутувчи ўзгартиришлар мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилди.

Мажлисида “Рақамли маркировкалаш тизимининг самардорлиги оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Унга асосан, электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахсларига солиқ солиниши ва уларнинг ҳисобга қўйилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши борасида янги нормалар мустақамланмоқда.

Товарларни мажбурий маркировкалаш қоидаларига риоя этилиши бўйича масофавий солиқ текширувни мазкур қоидаларни бузиш ҳолатлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик тўғрисида икки марта расмий оғохлантириш берилганидан кейин ўтказиш белгиланмоқда.

Кўмига аъзолари ўз чизиқларида ушбу қонун аҳолини сифатли ва ишончли маҳсулотлар билан таъминлашга, “яшин иқтисодиёт”ни янада қисқартиришга ҳамда солиқ тўловчилар учун солиқ юкни камайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ИСЛОҲОТЛАР ТАРАНУМИ

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан амалга оширилаётган беқиёс ислохотлар натижасида мамлакатимизда ҳайратланарли ўзгаришлар юз бермоқда. Иқтисодийёт сезиларли даражада ўсди. Улкан бунёдкорликлар шаҳару қишлоқларимиз кўрғига кўрк қўшди. Энг муҳими, инсон қадр топди.

## Тақдимот

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, ёшлар мураббийси Абдусайд Кўчимовнинг “Юксалиш симфонияси” номли китобида ана шу тарихий янгиликларнинг ўзига хос тарзда ёритилган. Гулистон шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ўтказилган мазкур китоб тақдимотида бу алоҳида таъкидланди.

Тақдимот сўзга чиққанлар асарнинг маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, у Президентимиз томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистон ғояси асосида олиб борилаётган ишларнинг бадиий-публицистик ифодаси бўлганини эътироф этди.

Китобда Ватанимизнинг барча ҳудудлари қамраб олингани, хусусан, Сирдарёда сўнгги йилларда рўй берган янгиликлар, бунёдкорликлар, аҳоли турмуш сифати юксалаётгани қаламга олинган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

# ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИК ҲОЛАТИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БERAДИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

## Қўшма мажлис

Сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ҳамда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мажлисида Жиззах вилоятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида очиқлик даражасини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофли-

гини таъминлаш, жамоатчилик назорати институтларини ривожлантириш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз курашишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг очиқлик, шаффофлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган фармон ва қарорлари, давлат органлари фаолиятини “Очиқлик индекси” асосида баҳолаш тизимининг жорий этилгани, маҳаллий Кенгашлар сессияларини жонли эфир орқали ёритиш амалиётининг йўлга қўйилгани ва давлат харидлари жараёнларининг рақамлаштирилгани аҳамиятлидир.

Амалга оширилган ишлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, Жиззах вилояти ҳокимлиги “Очиқлик индекси”да 2022 йилда 70,3 балл билан республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори (“сарик”) натижа қайд этган. 2023 йилда эса 66,3 балл (“сарик”) билан республика кўрсаткичи билан бирга 48,8 баллга тушиб, “қизил” тоифага ўтган ва очиқлик даражаси кескин пасайган.

Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатида кўрсатилган 15 та тоифадаги маълумотлардан фақат 6 турдагиси Янгиобод ва Зомин туманлари ҳокимликлари томонидан эълон қилинган. Арнасой, Бахмал, Галлаорол,

Шароф Рашидов, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор ва Фориш туманлари ҳамда Жиззах шаҳар ҳокимликлари томонидан эса маълумотларнинг би-рортаси эълон қилинмаган.

Халқ депутатлари 12 та туман (шаҳар) Кенгаши томонидан ўтказилган сессияларнинг бирортаси жонли трансляция бўлмаган.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари тизимидаги ҳамда вилоятдаги бошқа давлат идораларининг 19 нафар ходими “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун талабларига эид равишда тадбиркорлик субъектларида таъсисчи ёки раҳбар сифатида фаолият юритиб келган.

Зомин туманида 6 нафар, Жиззах шаҳрида 4 нафар, Шароф Рашидов, Янгиобод, Галлаорол ва Дўстлик туманларида 2 нафардан, Арнасой туманида 1 нафар бошқарув ходими таъсисчи ёки раҳ-

бар ўлароқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган.

Буюртмачи ташкилотлар томонидан 2025 йилда жами 5 млрд. сўмлик 9 та давлат харидида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Мажлисида вилоятда аниқланган камчиликлар юзасидан масъул раҳбарларнинг ҳисобот ва ахборотлари тингланди.

Муаммоларни тизимли бартараф этиш, ахборот очиқлигини таъминлаш, техник ва ташкилий жараёнларни тўғри йўлга қўйиш юзасидан амалий тушунтиришлар берилди.

Қўшма мажлис давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан ўнга яқин масалалар батафсил муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ҚАДИМ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ – НАВРЎЗ

Дунё чайқалиб, Ёр шарининг турли бурчакларида кузатилаётган қуролли тўқнашувлар ҳақида эшитар экансиз, юртимиздаги тинчликка беадад шукроналар айтамыз. Қайсидир бир юрда қимдир кафансиз қўмилаётган пайтда, биз тўйларга, байрамларга деб янгидан-янги либослар тиктириямиз. Одамлар бошпанасиз қолаётган бир пайтда биз қўша-қўша уйлар қуриб, ҳовли тўйларни ўтказаямиз. Дастурхонларимизнинг ўта тўқинилгидан исрофгарчилик бўлмасин деб, “Маромийлик” лойиҳаларини амалга оширямиз. Ўзбекимиздан ифтихор қилаямиз. Эрта тонгдан шукрона айтиб, юртимизнинг тинчлигини асраётган, оилаларимиз фаровонлигини таъминлаётган Юртбошимизни, юртдошларимизни дуолар қиламыз. Тинчлигимизга, бунёдкорлигимизга кўз тегмасин деймиш!



Тинч ва фаровон юртга байрамлар ярашади деганларидек, бугун халқимиз Наврўз ва ҳайит айёмларини нишонлаш тараддуида. Бу йилги умумхалқ байрами “Наврўзни улуғлаш — инсонни улуғлаш!” деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланади. Асрлар давомида ардоқлаб келаётганимиз — Наврўзимизда халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналари, ўзлиги мўжассам. У қадриятларимизнинг бутун буй-бастини кўрсатади. Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда, маънавиятини юксалтиришда бу байрамнинг аҳамияти катта.

Юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган шу кунларда Қашқадарё воҳасининг ҳам барча ҳудудларида гўзал ва бетакрор айёмга кизгин тайёргарлик кўриломоқда. Қадимдан меҳр-оқибат, саховат ва мурувват каби инсоний қадриятларни тарғиб этиш келган байрам тадбирларини ташкил этишда бу йил ҳам айнан шу тамойилларга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Авалло, Наврўзнинг асл моҳияти инсонни қадрлаш, жамиятда ҳамжиҳатлик ва меҳр-мурувват муҳитини мустақамлаш ғояларини амалда намўён этади. Шу муносабат билан Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларида яшаётган инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Хар кунни савобталаб инсонлар томонидан кам таъминланган хонадонларда ифторлик ўтказилмоқда.

Меҳр-мурувват, тинчлик ва тотувлик рамзи бўлган Наврўз хар бир оилادا, мамлакатимизда умуминсоний қадриятларни юксалтиришга, шукроналик ҳиссини оширишга беқиёс ҳисса қўйиши билан ҳам ардоқли. Зеро, ҳазрат Навоий айтганидек, “Хар тунинг қадр ўлубон, хар кунинг ўлсин Наврўз”.

Комила КАРОМОВА, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, сенатор.

## Сенат ва ёшлар

# КАСБ ТАНЛОВИ ВА ШАХСИЙ РИВОЖ УЧУН ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ



Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети академик лицейи ўқувчилари иштирокида учрашув ўтказилди.

Очиқ мулоқот шаклида келган тадбирда ёшларга парламент юқори палатасининг фаолияти, тузилиши, қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўрни ва асосий ваколатлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, сенаторлар

ўзларининг иш тажрибаси ҳақида сўзлаб, қонунларни ишлаб чиқиш, муҳокамадан ўтказиш ва қабул қилиш тартиби юзасидан тушунчалар берди. Айтилганидек, бундай учрашувлар ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билими-

ни ошириш, давлат бошқаруви тизимига қизиқишини кучайтириш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Бу каби учрашувлар ёшларнинг келгусида касб танлови ва шахсий ривож учун фойдали бўлиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

# ДЕПУТАТЛАР ВАЗИР ОЛДИГА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ ҚЎЙДИ?

Л. Қудратовнинг айтишича, мамлакатдаги очиқлик, кучли инвестиция сиёсати натижасида айни пайтда республикада умумий қиймати 319,3 млрд. долларга тенг бўлган 2 та инвестиция лойиҳасидан иборат портфель шакллантирилган. Уларнинг 2289 таси бажарилиш босқичида бўлса, 445 та лойиҳа халқаро молиявий институтлар иштирокида амалга оширилмоқда. Яна 418 та лойиҳа бўйича музокаралар давом этмоқда.

Шунингдек, 2026 йилда иқтисодийнинг устувор тармоқларига йўналтирилган хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича аниқ

Андижон, Самарқанд ва Фарғона вилоятларига тўғри келяпти.

Вазирнинг таъкидлашича, инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида лойиҳаларни ғоя босқичидан та махсулотни экспортга чиқаришга қаратилган жараёнда комплекс қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш, инвесторларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий марказлар ташкил қилиш ҳамда инвестиция ва экспорт жараёнларини бошқариш учун рақамли платформаларни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, махсус иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Хукумат соати” давомида депутатлар инвестиция ва ташқи савдо жараёнлари ни рақамлаштириш, “ягона дарча” тамойили асосида хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш, инвесторлар фаолиятидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, сарможаларни ҳудудлар кесимида мутаносиб тақсимлаш масалалари юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш, соҳада ма-лакани мутахассислар тайёрлаш

ҳамда лойиҳалар ижроси устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама жараёнида депутатлар ҳудудлардаги ўрганишлари давомида ушбу соҳада айрим муаммолар кузатилаётганини айтиб, уларни бартараф этиш, иқтисодийёт тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, миллий брендларни жаҳон бозорларига олиб чиқишни жадаллаштириш ҳамда инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича қатор тақлифлар берди. Соҳа истиқболига доир қатор масалалар юзасидан вазирга саволлар билан муурожаат қилди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Азиза Аминова 2026 йилда камбағаллик ва ишсизлик юқори бўлган ҳудудлар учун инвестицияларни жалб этиш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича вазирликнинг асосий стратегияси нималардан иборат эканини сўради.

Вазир бу йўналишда аниқ чора-тадбирлар белгилаб олингани, кўзда тутилган масалаларни ечиш учун халқаро молия институтлари билан биргаликда ишлаб, асосий маблағлар ишсизлик кўп бўлган туманларга, ҳудудларга йўналтирилаётганини айтиди.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси Нигора Луфтуллаева эса ташқи савдода манфий баланс-ни камайтириш йўналишида вазир-



лик томонидан қандай стратегик чора-тадбирлар амалга оширилаётгани билан қизиқди. Вазир бу бўйича аниқ стратегия борлигини таъкидлаб, бу борадаги кенг кўламли ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Мавлуда Адхамжонова хорижий инвесторлар томонидан ташкил этилаётган корхоналарда маҳаллий ишчиларни ишга олиш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича мажбуриятлар қай даражада бажарилаётганини сўради.

Айтилганидек, хар бир инвестор нафақат инвестиция олиб келишга, балки малакали кадрларни тайёрлаш тизимини ҳам йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда. Мисол учун, Жиззахда жойлашган “BYD” заводи мутахассисларни Хитойга олиб бориб ўқитиш билан бирга, корхона қошида алоҳида муҳандислик мактабини очган ва у ерда талабалар дуал таълим тизими асосида ўқимокда.

ЎзАДП фракцияси аъзоси Шокиржон Аҳмедов вазирлик томонидан саноят зоналаридаги ерлардан фойдаланиш самардорлиги бўйича

охириги марта қачон хатлов ўтказилгани, самарасиз ишлаётган лойиҳаларни бекор қилиб, ерларни реал инвесторларга қайта тақсимлаш борасида қандай чоралар кўрилаётгани билан қизиқди.

Вазир ҳозирги кунда инфратузилма билан таъминланган 800 гектар бўш ер борлигини, уларни ўзлаштириш учун инвесторлар билан ишлар олиб борилаётгани, мажбуриятларни бажармаган инвесторлар ва тадбиркорларга нисбатан чоралар кўрилаётганини билдирди. Инвесторлар олти ой ичида лойиҳани бошлама-са, ер майдони қайтариб олиниши айтиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Наврўзбек Юсупов эса Тошкент шаҳридаги кичик санаят зоналарида чиқиндиларни қайта ишлаш, тазолаш иншоотларини қуриш, сув ва ҳавога чиқармаслик бўйича талаблар етарлича бажарилмай келинаётгани атраф-муҳит ва ҳаво сифати, шу билан бирга, кичик санаят зоналарига туташ бўлган ҳудудларда истикомат қилувчи аҳоли саноатлигига жиддий зарар етказётганини таъкидлади. Вазирлик ўз фаолияти йўналишидан келиб чиқиб, бу борада қандай ишларни амалга ошираётгани сўралди.

Ушбу саволга ҳам атрафчи жа-воб берилиб, олиб борилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот тақдим этилди.

“Хукумат соати”да депутатлар томонидан соҳа истиқболига қаратилган қатор тақлифлар берилди ва кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

# МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА



Таъкидланганидек, аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, профилактик соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари бўйича белгиланган вазифалар ижроси самарали бажарилган. Хусусан, гематология ва онкология йўналишларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш, беморлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, шифохоналарни замонавий диагностика лабораториялари ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш учун ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган. Онкологик касалликларни I ва II босқичларда эрта аниқлаш кўрсаткичлари даражаси белгиланган режадан 6,6 фоизга оширилган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ахборотига кўра, меҳнат бозорига аҳоли бандлигини таъминлашга доир ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. Ишсизларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлашга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар ҳам самарали бажарилган.

Тадбирда 2025 йил якуни билан камбағаллик даражасини камайтириш режаси 6 фоиздан 5,8 фоизга, ишсизлик даражаси режаси 7,7 фоиздан 5,8 фоизга камайтирилган депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Республика болалар ижтимоий молашуви маркази ҳамда Ўзбекистон касабая уюшмалари Федерацияси томонидан олиб бориладиган ишлар ҳам атрафчи кўриб чиқилди.

— Муҳокамалар давомида мутасаддиларга хар йилги Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан унумли фойдаланиш, бунда мақсадли индикаторлар ижросига қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш ва уни мунтазам амалга ошириш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар бердик, — дейди Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Артиков.

Имгиллишда Соғлиқни сақлаш, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари ҳамда Миграция агентлигининг “Вазирлик ва идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари (КРП) бажарилиши тўғрисида”ги ахборотлари ҳам эшитилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик билан шалмадаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан республика ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари фаолиятини аниқ мезонлар асосида баҳолаш тизимига ўтилгани, ўз навбатида, давлат бошқарувида натиждорлик, очиқлик ва шахсий масъулиятни кучайтиришга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Депутатлар соҳада самарали ишлар олиб бориладигани айтиб, мутасаддиларга 2026 йил учун белгиланган “КРП” кўрсаткичларини янада такомиллаштириш, стратегик йўналишларни аниқ белгилаш ва натиждорликни ошириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар бердик.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ХИМОЯСИГА МУТЛАҚО ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бундан ташқари, хотин-қизлар ва болаларни химоялашда уларга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, реабилитация ҳамда мослаштириш марказлари фаолиятини кучайтириш каби муҳим чоралар кўрилади. Бу эса жабрланган шахсларнинг руҳий ҳолатини тиклаш, жамият ҳаётига қайтариш ва уларга янги имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.



Зуляя АҚРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Яна бир муҳим жиҳати, фармон билан жиноят ҳамда маъмурий қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар кириштирилиши белгиланган. Яъни жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонлик учун жавобгарлик чоралари аниқлаштирилади. Мисол учун, педофилиядек жирканч иллатга умрбод қамоқ жазосини қўллаш, такроран содир этилган зўравонлик ҳолатларига нисбатан ҳазо чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Айни пайтда биз, депутатлар ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бундай тушунтириш ва тарғибот ишлари фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини англаб етиши, айниқса, хотин-қизлар ҳамда болалар ҳуқуқларини химоялашга нисбатан жамиятда масъулият ва дахлдорлик туйғусини кучайтиришда муҳим омили бўлади. Шу билан бирга, оилаларда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш, ёш авлодни соғлом ва барқарор тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини янада оширишга замин яратилади. Президентимиз фармони хотин-қизлар ҳамда болалар ҳуқуқларини химоя қилиш, хусусан, аёлларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларига барҳам беришга қаратилган мутлақо янги, шу билан бирга, мустақкам химоя тизимини шакллантиришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Зуляя АҚРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

# Ўзбекистон — Буюк Британия:

# ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГАЧА

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 34 йил тўлди. Ушбу давр икки давлат ўртасидаги изчил ҳамжиҳатлик, юксак ўзаро ишонч ва мустақкам стратегик шериклик тарихига айланди.

## Биз ва жаҳон

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик Буюк Британиянинг савдо бўйича махсус вакили Лорд Олдердейснинг юртимизга ташири билан янада мустақкамланди. Қолаверса, Лондонда Марказий Осиё ва Британия форматида биринчи ташки ишлар вазирлари учрашувининг ўтказилгани, "С5+1" кўринишидаги мазкур саммитда муҳим нодир металллар разведкаси ва қазиб чиқариш, инфратузилмалар, логистика, энергетик хавфсизлик, Англия ҳуқуқи ва таълими соҳаларида ҳамкорлик қилишга келишилгани ўзаро муносабатларда туб бурилиш ясади.



Юридик, консалтинг, бухгалтерик ҳамда маркетинг хизматлари ҳам мамлакат иқтисодиётида катта улушни ташкил этади. Буюк Британиянинг ҳуқуқий тизими ва консалтинг компаниялари халқаро миқёсда тан олинган бўлиб, Ўзбекистонда ушбу таълимдан фойдаланиш масаласи доим устувор бўлиб келган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида кўп қиррали шериклик қамрови сезиларли даражада кенгайди. Сиёсий мулоқот, таълим, савдо, хавфсизлик ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик изчил ривожланди. Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Британия ишбилармон доиралари ҳамда давлат тузилмалари билан алоқаларни янада чуқурлаштириш учун янги имкониятлар эшигини очди.

Буюк Британия илм-фан, тадқиқот ва ишланмаларга катта эътибор қаратади. Кембриж ва Оксфорд каби университетларнинг илмий салоҳияти, инновацион стартапларнинг кўпайиши мамлакатни рақамли иқтисодиёт ва юқори технологиялар соҳасида етакчи ўринга олиб чиқмоқда.

Мамлакатнинг илм-фан ва технологияга қиратаётган инвестициялари келажакдаги иқтисодий ўсиш учун асос яратиб, унинг барқарорлиги ҳамда ўсиш имкониятларини таъминламоқда. Бирлашган қироллик ўзининг глобал иқтисодий ва молиявий қудрати, илғор технологиялари ва бой дипломатик таърибига билан Ўзбекистон учун ривожланиш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув йўлидаги муҳим стратегик ҳамкор ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги алоқалар сўнгги йилларда сезиларли даражада кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда, бу эса Ўзбекистоннинг модернизация жараёнида Британиянинг аҳамиятини янада оширмоқда.

## Халқаро тажриба ва миллий амалиёт

Буюк Британия ўзининг бой тарихи, маданияти ва инновацион руҳи билан нафақат сиёсий, балки жаҳон иқтисодиёти ҳамда молиясида етакчи мавқега эга. Унинг ялли ички маҳсулот глобал миқёсда юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатнинг барқарор ривожланиш суръатларини акс эттиради. Бу иқтисодий қудратнинг асосий драйверларидан бири — хизмат кўрсатиш соҳаси. Банк иши, сурғурта, активларни бошқариш, валюта савдоси ва "FinTech" (молиявий технологиялар) йўналишидаги инновациялар Буюк Британиянинг жаҳон молиясидаги муҳим мавқени белгилайди. Қўллаг халқаро банклар, инвестиция фондиари ва сурғурта компанияларининг қароргоҳлари Лондонда

Дарвоқе, Буюк Британия Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқени мустақкамлашда муҳим ўрин тутаяди. Ушбу давлат мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, очиклик, шаффофик, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ва суд-ҳуқуқ тизими эркинлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлайди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро имижини янада яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Икки давлат ўртасидаги доимий мулоқот, сиёсий мулоқотлар минтақавий хавфсизлик, халқаро терроризмга қарши кураш ва глобал масалалар бўйича позицияларни келишиш имконини бери-моқда. Маданий алмашинувлар ҳам икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустақкамлайди. Британия Кенгаши каби ташкилотлар орқали маданий тадбирлар, санъат кўргазмалари ва тил ўргатиш дастурлари ўзаро тушунишни оширади. Британия маданияти, адабиёти ҳамда санъатининг Ўзбекистондаги омаллашуви халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақкамлайди.

Яқинда ўтказилган Ўзбекистон — Буюк Британия инфратузилма конференциясида Британиянинг ўттиздан ортиқ компаниялари иштирок этди. Улар қурилиш, лойиҳалаш, шаҳарсоз-лар ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда дунёдаги энг илғор таърибага эга. Шунингдек, туризм, маданий ме-рос объектларини реставрация қилиш ва "яшил" иқтисодиётга ўтиш учун зарур бўлган стратегик мине-ралларни қазиб олиш бўйича ҳам ҳамкорлик имкониятлари ниҳоятда кенг. Эътиборлиси, Ўзбекистонда ин-весторлар учун яратилаётган шаф-фофик муҳит Британия ишбилармон-ларининг мамлакатимизга қизиқиши-ни янада оширмоқда.

Британия ўзбекистонлик фуқаро-лар учун истиқболли меҳнат бозори-га айланиб бормоқда. Икки томон Халқаро миграция ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Миграция агентлиги бил-лан яқин ҳамкорликда "Мавсуслик иш-чилар дастури" (SWS) доирасида ма-хсус лойиҳани амалга ошираётди. Ушбу ташаббус меҳнат муҳожирлари-нинг ўз ҳуқуқларини англаши ҳамда сохта ваздалар, нотўғри ахборот хатарларидан химояланишига хизмат қилади.

Лойиҳа миграция жараёнининг барча босқичларини — жўнаб кетиш олдида йўриқномалар бери-ш, инглиз тилига ўқитиш ва ах-борот кампанияларидан тортиб, Ватанга қайтгандан сўнг молиявий саводхонлик, бизнес кўникмалари-ни шакллантириш ва кичик грантлар ажратишга бўлган жараёнларни ўз-ичига олади. Узоқ муддатли мақсад — хавфсиз ва шаффофик меҳнат мо-билигини таъминлаш орқали икти-содий-иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшиш. Марказий Осиё ва Буюк Бри-тания ўртасидаги масъулиятли шерик-ликни янада чуқурлаштириш.

Икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик йилдан-йилга жадал тус олмақда. Бу эса ўзаро дўстона муносабатларнинг мутлақо янги босқичини бошлаб бериши бил-лан бир қаторда, келгусида ман-фаатли ҳамда истиқболли йирик шериклик лойиҳаларини ҳаётга тат-биқ этиш имконини беради.

Икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик йилдан-йилга жадал тус олмақда. Бу эса ўзаро дўстона муносабатларнинг мутлақо янги босқичини бошлаб бериши бил-лан бир қаторда, келгусида ман-фаатли ҳамда истиқболли йирик шериклик лойиҳаларини ҳаётга тат-биқ этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 34 йил тўлди. Ушбу давр икки давлат ўртасидаги изчил ҳамжиҳатлик, юксак ўзаро ишонч ва мустақкам стратегик шериклик тарихига айланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 34 йил тўлди. Ушбу давр икки давлат ўртасидаги изчил ҳамжиҳатлик, юксак ўзаро ишонч ва мустақкам стратегик шериклик тарихига айланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 34 йил тўлди. Ушбу давр икки давлат ўртасидаги изчил ҳамжиҳатлик, юксак ўзаро ишонч ва мустақкам стратегик шериклик тарихига айланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 34 йил тўлди. Ушбу давр икки давлат ўртасидаги изчил ҳамжиҳатлик, юксак ўзаро ишонч ва мустақкам стратегик шериклик тарихига айланди.

да Вестминстер халқаро универси-тетининг ташкил этилиши мамла-катимиздаги илк хорижий олий таъ-лим муассасаси сифатида тарихда қо-либ, бугунги кунда ҳам етакчи ўқув масканларидан бири бўлиб ке-лаётди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда Британия университетлари дипло-мларини тақлиф этувчи 13 та транс-миллий таълим муассасаси муваф-фақиятли фаолият юритяпти. Бу эса жаҳон даражасидаги таълим стан-дартларига бўлган юксак ишончинг амалий ифодасидир. Айни пайтда 15 минг нафар ўзбекистонлик та-лаба Британия даражаси ёки дипло-мни асосида тахсил олмақда (так-қослаш учун: ўтган йили бу кўрсат-кич 10 минг нафарни ташкил этган эди.) Шунингдек, "Chevening" сти-пендия дастури иқтидорли мутахас-сисларга Буюк Британияда таълим олиб келиб, юрт раванки учун хизмат қилиш имконини бери-моқда. Британия Кенгаши эса 35 йиллик фаолияти давомида инглиз тили таълимини омаллаштириш ва ма-даний-академик алоқаларни мус-тақкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяти.

Кембриж баҳолаш тизимининг Президент мактаблари билан ҳам-корлиги эса таълим сифатини халқ-ор андозаларга мослаштиришда муҳим ўринга эга. Бу саъй-ҳаракат-ларнинг барчаси глобал рақобатбар-дош кадрлар авлодини шаклланти-ришга қаратилгани билан эътибор-га молик. Буюк Британия шаффо-фик таълим сифатини таъминлаш тизимлари-ни шакллантиришда катта таъриба-тўплаган. Ўзбекистонда таълим ис-лохотлари изчил тус олган бир пайтда, расмий Лондон ҳам ушбу таърибани баҳам қўришга тайёр.

Икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик йилдан-йилга жадал тус олмақда. Бу эса ўзаро дўстона муносабатларнинг мутлақо янги босқичини бошлаб бериши бил-лан бир қаторда, келгусида ман-фаатли ҳамда истиқболли йирик шериклик лойиҳаларини ҳаётга тат-биқ этиш имконини беради.

Акрам АБСАЛМОВ, Тошкент халқаро университетининг академик ишлар бўйича проректори.

## Инновация

# ДРОН — МИРОБЛАРГА КЎМАКЧИ

Чортоқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари томонидан информатика фани ўқитувчиси Жаҳонгир Нурмаматов раҳбарлигида "Оби дрон" номли учувчисиз учиш қўрилмаси яратилди. Тўрт ой давом этган изланишлар натижасида ишлаб чиқилган мазкур аппарат "3D" принтерда тайёрланган мустақкам рама асосида йилган.



У тўртта электромотор, паррақлар, электрон бошқарув элементлари ҳамда қувват тизими билан жиҳозланган ва 700 метр баландликка кўтарила олади. Дрон бошқарув тизими "Arduino Nano" микроконтроллер платаси ўрнатилган бўлиб, барқарор парвозни таъминлаш мақсадида "MPU-6050" сенсори интеграция қилинган. Массофавий бошқарув махсус пульт орқали амалга оширилади.

— Айни вақтда қурилма-ни тақомиллаштириш, хусусан, юқори аниқликдаги ка-мера ўрнатиш ва контур ха-риталарни дастурий таъми-нотта жорий этиш устида иш олиб бораёмиз, — дейди ихтиро муаллифларидан бири, 11-синф ўқувчиси Зиёбек Абдумажидов. — Бу билан ундан қишлоқ хўжа-лиги ер майдонларини ма-софадан кузатиш, экин хо-латини таҳлиллаш, суғориш жараёнларини мониторинг қилиш ҳамда ресурслардан тежамкор фойдаланиш им-кони юзага келади.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТАРМОҒИ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА

Кейинги йилларда Тошкент давлат аграр университетда янги давр бошланиб, кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кунги кеча зооинженерия факультетида ветеринария хизматларини замонавий босқичга олиб чиқишга қаратилган "Inno Vet Clinic" инновацион ветеринария клиниксининг очилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

## Қулайлик

Очилиш маросимда таъкидланганидек, янги, замонавий қиёфадаги клиниканинг ишга туширилиши ветеринария соҳасида илмий асосланган амалий хизматларни ривожлантириш, чорвачилик тармоғида сифат ва самарадорликни ошириш йўлида муҳим қадам бўлди. Мазкур клиникада ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш, ультравовуш текшируви, рентген ҳамда лабо-ратория диагностикаси, жар-роҳлик амалиётлари, стационар

хизмат, ҳайвонларга гигиеник парварош, вақтинча сақлаш каби йиғирмага яқин замона-вий ветеринария хизматлари йўлга қўйилди. Шунингдек, бу ерда чорвачилик билан шуғу-лланаётган фермер хўжалиқла-ри ҳамда аҳолига стационар ва мобил ветеринария хизматла-ри кўрсатилади.

Айтиш жоизки, клиника фаолияти нафақат ветеринария хизматларини кенгайтириш, балки ветеринария йўналиши-да тахсил олаётган 300 га яқин талабаларнинг таълим жараё-нини амалиёт билан уйғун-лаштиришга ҳам хизмат қилади. Тадбир доирасида ишти-



роқчилар университетда чор-вачилик, балиқчилик ҳамда асаларчилик йўналишларида йўлга қўйилган 18 турда-ги амалий хизмат ва илмий тадқиқот ишлари, шунингдек, гўшт савдо маҳсулотла-рини ўрганишга ихтисос-

## «SOLIQ KONSTRUKTOR» MCHJ

### кредиторлари диққатига!

"Масъулият чекланган жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49-моддасига асосан, жамиятни қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан, жамият қўшиб юбориш ёки бир-лаштириш шаклида қайта ташкил этил-ганда эса бу жараёнда қатнашаётган жамиятлардан охиригиси томонидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай бу ҳақда жамиятнинг ўзига маълум барча кре-диторларини ёзма равишда хабардор этиши ва қабул қилинган қарор тўғри-сида оммавий ахборот воситаларида хабар берилиши шарт. Бунда жамият кредиторлари ўзларига хабарномалар юборилган пайтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида ёки қарор қабул қилингани тўғрисида хабар чоп этилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилишини ёки бажарили-шини ва кўрган зарарларининг ўрни қопланишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 56-йи ман-зили бўйича жойлашган "SOLIQ KONSTRUKTOR" mas'uliyati cheklangan jamiyati Ягона иштирокчи-сининг 2026 йил 3 мартдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига кўра "SOLIQ KONSTRUKTOR" mas'uliyati cheklangan jamiyatining ташкилий-ҳуқуқий шаклини "SOLIQ KONSTRUKTOR" aksiyadorlik jamiyati сифатида қайта ташкил этиш бўйича қарор чиқарилганини маълум қиламиз.

"SOLIQ KONSTRUKTOR" mas'uliyati cheklangan jamiyatining барча ҳуқуқ ва мажбу-риятлари топишириш далолатномасига кўра "SOLIQ KONSTRUKTOR" aksiyadorlik jamiyatiga ўтади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Сиз-дан қонунчиликда белгиланган муддатларда мажбуриятларнинг бекор қилиниши ёки му-датидан олдин бажарилиши ва белгиланган муддатда зарарни қоплаш тўғрисида талаб-номани тақдим қилишингиз мумкинлигини бил-дирамиз.

Мурожаат учун телефон: +998 77- 481-33-00.

# МУСАВВИРЛАР ҚАЧОН БОШПАНАГА ЁЛЧИЙДИ?

Республика Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Раҳим Ҳакимов катта ҳаётий таърибага эга. Унинг изланишлари туйғайли қадимий "эбру баҳор" санъатида янги усул пайдо бўлди. Рассом уни "Нақши абри — Бухоро" дея номлади. Гап шундаки, Туркия, Нидерландия, Франция каби давлатлардан туган тақлифларга кўра, ушбу мамлакатларда шахсий кўргазмасини ташкил этган мусаввирнинг юздан зиёд асарлари айни дамда унинг зах ертўласида, талабга умуман жавоб бермайдиган шароитда сақланмоқда.

маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилган. — Шунга кўра, ҳудудий бўлимлар-да галерейлар ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустақкам-лаш борасида юртимизнинг барча ви-лоятларида тегишли ишлар амалга оширилди, — дейди уюшманинг ви-лоят бўлими раҳбари Обид Мавлонов. — Лекин мурожаатларимизга қарамас-дан бу муаммо Бухорода ўз ечимини топагани йўқ.

— Давлатимиз ҳамда оиласининг сармосияи эвазига пойтахтимизда тас-вирий санъат йўналишида сабоқ ол-ган ёшларни айтмайсизми? — дейди уюшма аъзоси Раъно Шонқуллова. — Бухорога келгандан кейин улар шу каби муаммоларга рўбарў бўлмоқда. Қайси бири кўчаларда сувенир дара-жасидаги расмлар чиқиб сотиш би-лан машғул, қай бири пойтахтга ижод қилгани келтирди. Яна кимдир ноилоқ-ликдан касбини ўзгартиряпти. Вахо-ланки, бу ёш расмлар ажойиб асар-лар яратиши, шу орқали тасвирий санъатимиз довуғунини жаҳонга ёйи-лашга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин эди. Биз галерея барпо этиш, мусаввир-ларнинг ижод қилишлари учун рисо-ладагидек шарт-шароитлар яратиш юзасидан вилоят мутасаддиларига кўп бор мурожаат этганмиз, тақлифлар билдирганмиз.

## Аччиқ, аммо очик гаплар

— Бутун умримни тасвирий санъат-га бағишладим, — дейди кекса рас-сом. — Уз асарларим воситасида юр-тимизни дунёга танитиш, ёшларни миллий қадриятларимизни кўз қо-рачидек асраб-авайлаш, маданий ме-росга хурмат руҳида тарбиялаш, улардаги ватанпарварлик туйғусини кучайтириш каби хайрли ишларга ба-ҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяман. Аммо мусаввирлар учун шу пайтга қадар сайёҳлар қадами қилин-ёкин узилмайдиган Бухородек шаҳри азим-да кўргазмалар зали ҳамда устахона-ларни ўзда жамлаган бир марказ-

— Аммо бу гаплар уларга чивин чақ-қанчилик таъсир қилган эмас, — дея афсус билан таъкидлайди Раҳим Ҳа-кимов. — Ваъдани қуюқ беришдан на-рига ўтишмаяпти. Эллик йилдан буён вилоят, шаҳарга қанчадан-қанча киши раҳбар бўлди. Лекин дардимизни қудуққа айтганимиз қолди, холос. Ўз-ти-нинг-ку, ёшимиз анча улуг, аммо "Биз-нинг, машғулотларни қачон бошлай-сиз?" дея ҳар кун сўзимизга илҳаз шо-гирдларни уйлаб ташвиш тортаман. Турки, Олимжон мадрасасидаги уста-

хонамиз ёпилгач, Мулла Муҳаммад Пайравий масжидидан бошпана сифатида фойдаланардим. Лекин таш-ландик ҳолдаги бу қадимий гўшани рисоладагидек ҳолга келтириш учун ҳам камида 20 — 25 миллион сўм маблаг сарфлашга тўғри келади. Дарвоқе, Бадий ижодкорлар уюш-маси вилоят бўлимига яқинда мада-ний мерос объекти — қадимий Қуйи хонақоқ масжиди бошпана сифатида ажратилибди. Масжиддаги айвондан галерея сифатида фойдаланилар экан. Афтидан соҳа масъуллари "Шундан ҳам қуруқ қолмайлик", дея бу қадам-жони бошпана тутишга рози бўлиш-ган. "Қадамжон" дейишимиз беҳиз эмас. Масжид ёнида қайсидир бир ав-лиёнинг қабри ва яна сағаналар бор. Мутасаддилар "Мусаввирлар бу жой-да яхши кайфият билан ижодий суҳ-батлар қўришади, дийдорлаштишади, кўргазмаларини ташкил этишади", деб ўйлашган шекилли-да. Тағин билма-дик...

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

# Жорий йилда кимё саноатида 9,5 млрд. долларлик 133 та лойиҳани амалга ошириш доирасида 2,5 млрд. доллар инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган.

# ТИББИЁТГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Президентимизнинг 23 январь куни Олмазор туманида жойлашган клиникамизга ташрифи катта воқелик бўлди, десак, айна ҳақиқат. Бу ташриф, албатта, бежиз эмас эди. Давлатимиз раҳбари клиникамизни кўздан кечириш баробарида мамлакатимизда хусусий тиббиётни янада ривожлантириш масаласига эътибор қаратди, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. “Хусусий тиббиётни жорий қилиш билан бирга рақобатни ҳам унутмаслик керак. Рақобат бўлсагина, одамларда танлов бўлади. Хусусий даволаниш марказлари кўпайса, аҳоли даволаниш учун берган пулига яраша сифатли хизматга эришади”, деди давлатимиз раҳбари.



Яна бир томони бор. Хусусий тиббиёт — хоҳлаймизми-йўқми, бизнеснинг бир тури. Шунинг учун олиши керак. Бу янги-янги иш ўринлари ҳамда ҳамёнбод тиббий хизмат кўрсатишга ўтиш, дегани. Уларнинг негизида бир қанча тиббиёт университетлари ташкил этилди. Бу — илм-фан уйғунлиги, дегани. Хусусий клиникалар рақобатчи ҳар бир мижоз учун шу муассасага бемалол мурожаат қилиш имкониятини яратди. Давлатимиз раҳбари тиббиёт марказида бўлганида ана шуларга эътибор қаратишни алоҳида таъкидлади.

Хозир давлат тиббиёт муассасалари ходимларининг ойлик маоши кўтарилган. Хусусий клиникаларда маошнинг улурдан кам қилиб кўриниши, қаним келаркан? Ҳеч қим келмайди! Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун муассасамизга малакали, хорижда тажриба орттириб қайтган энг яхши мутахассисларни тақлиф қиламиз ва табиийки, уларнинг ойлик маоши ҳам юқори бўлади. Натижанда бу ерда коррупция, порахўрлик бўлмайди, бунинг иложи ҳам йўқ. Ходимларга эса меҳнатига яраша муносиб ҳақ тўланади.

## Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

### Ҳар бир мижозга сифатли ва хавфсиз тиббий хизмат

“Sinomed” кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий тиббиёт технологияларининг энг сўнгги моделлари билан жиҳозланган. Бунақаси хали Марказий Осиёда йўқ деб бемалол айтолмаман. Шунга яраша, шифокорлар ҳам талабга жавоб берадиган бўлиши керак. Биз фақат касалликни тўзатмаймиз, балки бу ерга келган ҳар бир мижозга, аввало, гамхўрлик кўрсатамиз. Хозир марказда 300 нафардан зиёд мутахассислар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 80 нафари юқори малакага эга шифокор. 60 нафари хорижда, хусусан, Жанубий Корея, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Япония, АҚШ каби давлатларда малака ошириб келган.

ган кўрик. Бунинг учун жуда катта имкониятларимиз бор, ундан унумли фойдаланишимиз лозим. Биз хорижлик мижозларга халқаро даражада сифатли ва хавфсиз тиббий хизмат кўрсата оламиз. Дунё тиббиёти ҳам ана шу икки йўналишга алоҳида эътибор қаратади.

### Такрорлаш — билимларнинг онаси

Марказимизда шифокордан тортиб оддий хамширагача ҳар ҳафтада ўқув машғулотларида қатнашади. Бу усулни Жанубий Кореяда ўрганганман ва уни шу марказга татбиқ этдик. Бу нима беради? Малакали шифокордан тортиб оддий хамширагача у ёки бу тиббий жараёни қайта-қайта ўрганиши уларнинг ўз тажриба ва кўникма-

### «Ҳар бир авлодга гамхўрлик» лойиҳаси

Тошкентда энг катта муаммолардан бири — туғуруқ комплексларининг

мураххислар келишиди. Ўз навбатида, шифокорларимизни мунтазам равишда дунёнинг энг машҳур клиникаларига малака оширишга, тажриба алмашишга юборяпмиз. Бундай амалиётлар ижобий натижа берапти. Марказда 10 та жарроҳлик амалиёти, 40 та амбулатор қабулхона, 20 та кундузги стационар, 150 та ётоқ ўрни бор. Асосий концепцияларимиз бўйича бир кунлик тиббиётни жорий этиш кўзланган бўлиб, бундай тажриба Европа мамлакатлари ва бошқа давлатларда ҳам кенг қўлланиляпти.

Марказда ишлаётган кўпбал проффессорлар Германия, Франция, Кувайт ва бошқа давлатларнинг энг илғор тиббиёт муассасаларида малака оширган. Кардиолог, интервенцион кардиологларимиз яқинда Германияда малака ошириб қайтди.

Давлатимиз раҳбари бундан 9 йил муқаддам аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг Корея моделини мам-



“Хозир марказда 300 нафардан зиёд мутахассислар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 80 нафари юқори малакага эга шифокор. 60 нафари хорижда, хусусан, Жанубий Корея, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Япония, АҚШ каби давлатларда малака ошириб келган.”

сани янада мустаҳкамлашга олиб келади. Фикримча, шу усулни мамлакатимиздаги барча тиббиёт муассасаларига жорий этиш бўйича тизим яратиш керак. Бу жуда ижобий натижа беради.

Тиббиёт марказимизга хорижлик мутахассисларни доимий равишда жалб қилиб келаямиз. Масалан, лабораториямизда жуда катта малакага эга Жанубий Кореялик мутахассис ишлайди. Унга хизматига яраша ойлик маош тўлаймиз. Мақсад — бу мутахассис лаборатория ишларини Корея Республикасидаги шифокорлар лабораторияси даражасига етказиб берсин. Биз ундан ана шунини талаб қиламиз. Иш-лаш принциплари, натижалари, ишончлиги, сифати ва хавфсизлигини ҳам.

Яқинда Ҳиндистондан 8 нафар малакали шифокорни муассасага тақлиф этдик. Улар беморларни қабул қилди, текширди, ташхис қўйди ва ҳоказо. Бизнинг шифокорларимиз ҳам уларнинг ёнида ўтириб ўрганиди, тажриба орттирди. Чунки ўрганиш айб эмас. Ҳар бир шифокор бугунги дарга талабига жавоб берадиган бўлиши керак. Россия, Туркия, Германия, Кувайтдан

етишмаслиги. Ҳали бирорта хусусий шифохонада туғуруқ комплекси йўқ. Биз бу борада биринчи қалдирғочмиз, десам ҳам бўлади. Марказ таркибиде Тошкент шаҳрида биринчи хусусий туғуруқ мажмуаси ишга туширилган бўлиб, бир вақтинч узида 30 нафар онага хизмат кўрсатади. Келгусида ўринлар сонини янада кўпайтириш ниятдадимиз. Болаларни эмлаш, профилактик кўриқлар ҳам шу ерда ўтказилади. Call-марказлар, махсус патронаж жамоалари ташкил қилинган.

Республикадаги энг катта хусусий вакцинация маркази, хусусий сектордаги ягона стерилизация маркази барпо этилган. Европа андозалари асосида стерилизация ишлари амалга ошириладиган бундай марказ наинки Марказий Осиёда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам йўқ.

Президентимиз доим халққа тиббиётни яқинлаштиришга, деб келади. Мана шу туғуруқ комплекси — халққа тиббиётни яқинлаштиришнинг ёрқин мисоли. Бу комплекс дунёдаги энг илғор тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганиш натижасида қурилган. Бизда рўйхатга олинган ҳамилдор аёл ту-

лакатимиз тиббиёт тизимига жорий этиш керак, деган фикрни билдирган эди. Корея Республикаси аҳолига хавфсиз ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича дунё мамлакатларининг биринчи ўнлигига кирди. Нимага? Чунки бу ердаги клиникаларнинг 95 фоизи хусусий. Бундай клиникаларда коррупция ҳолатлари йўқ ҳисоби. Чунки ҳар бир ҳолат назоратда, ходим мижозга қанчалик хавфсиз ва сифатли тиббий хизмат кўрсатса, маоши ҳам шунга қараб ошади.

### Тиббиёт туризми — бизнеснинг бир тури

Бугун хусусий клиникаларда беморларга хизмат кўрсатиш давлат клиникаларига қараганда биров арзон ва сифатли. Рақобат бор жойда тиббий хизмат арзон бўлади. Бунинг устига, ходимлар мижознинг маблағини тежашга ҳаракат қилади. Чунки арзон ва сифатли муолажа олган мижоз эртага, албатта, шу ерга қайтиб келади, ўзининг таниш-билишларини ҳам ушбу клиникага йўллайди.

### Одам танасида қон айланиб турса, у соғлом бўлади

Мен Жанубий Кореянинг собик Президентларидан бири билан суҳбатлашганимда унинг бир гапини эслаб қолганман. “Иқтисодиётнинг қони, бу — пул, деган эди у. — Ҳаммамиз биламиз: одам танасидаги қон айланиб турса, у соғлом бўлади. Худди шундай, иқтисодиётда ҳам пул мунтазам айланиб турса, давлат соғлом бўлади.”

Олмазор туманининг ушбу худудида клиникамиз фаолият кўрсата бошлаганидан буюн кўчанинг нариги томонида учта хусусий меҳмонхона, дорихона, ошхона, сервис хизматлари, минимаркет ва ҳоказолар қурилди. Бу ҳам янги иш ўринлари, дегани. Инфраструктура ривожланыпти. Одамлар билипти, мана шу ерда очилган “Sinomed” кўп тармоқли тиббиёт марказига келаётган мижозлар сони кундан-кунга ошяпти.

Демак, ўз-ўзидан меҳмонхона куриш, қулайликлар яратиш, турли хизматлари ташкил этиш кераклигини аҳоли тушуниб етляпти. Бу эса тўғридан-тўғри иқтисодиётни кўтаришга хизмат қилади.

Марказимиз тиббиётнинг энг замонавий брендларини ўзида жаллагани билан аҳамиятли. Бу ердаги технологиялар Буюк Британия, Италия, Япония ва Германия давлатларидан олиб келинган.

“Sinomed” кўп тармоқли тиббиёт маркази мижозларга сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатишининг халқаро стандартларини жорий қилган ҳолда, соҳада энг яхши босқини бошлаб бермоқда. Зеро, аҳоли саломатлиги миллат келажагининг ишончли кафолати, фаровонлиқнинг асосидир.

Камолхўжа ЭШНАЗАРОВ, «Sinomed» кўп тармоқли тиббиёт маркази раҳбари, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор.

## ФУТБОЛ

### хабарлари

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БИР ҚАДАМ

Австралида шу кунларда ўтказилаётган аёллар ўртасидаги Осиё кубоги мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси чорак финалда “А” гуруҳи ғолиби Жанубий Корея билан баҳс олиб боради.



Мусобақанинг “В” гуруҳида учинчи ўрин билан маъқул босқинга йўл олган қизларимиз дастлабки икки ўйинда жаҳон аёллар футбол чемпионати — Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикаси вакилларига бир хил 0:3 ҳисобида енгилган бўлса-да, ҳал қилувчи ўйинда Бангладеш аёллар терма жамоасини йирик 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Голлари Д. Хабибуллаева, Д. Нозимова (2) ва Н. Қудратова киритди. Бўлажак баҳс 14 март куни Сидней шаҳрида ташкил қилинади. Маъқул бешлашув ғолиби келаси йили Бразилида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлнамасига эга бўлади. Имкониятни бой берган жамоа эса мундиаль йўлнамаси учун чорак финалнинг бошқа бир жуфтлигида мағлуб бўлган иштирокчи билан кураш олиб боради.

### ТОШКЕНТДА ҲАЛҚАРО ТУРНИР ЎТКАЗИЛАДИ

Футбол тарихида илк марта 3 та мамлакатда ўтказиладиган жаҳон чемпионати бошланишига уч ойдан кам вақт қолди. Айни пайтда унда иштирок этадиган 42 та миллий терма жамоа маълум. Қолган 6 та жамоа март ойи сўнгида уюштириладиган “плей-офф” баҳслари орқали аниқланади.

Ф. Каннаваро мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчилардан бўлиб жаҳон чемпионати йўлнамасини ҳал қилган учун ФИФАнинг “FIFA Series — 2026” ўртоқлик ўйинларида майдонга чикади.

Тошкентдаги “Пахтакор” ҳамда “Бунёдкор” стадионларида кечадиган баҳсларда Габон, Тринидад-Тобаго, Венесуэла ва Ўзбекистон футболчилари ўзаро беллашади. Дастлаб вакилларимиз 27 март куни Габон термаси билан куч сынашса, 30 март санасида Венесуэла жамоасига қарши майдонда саф тортлади. Ҳар икки ўйин соат 19:00 да бошланиши режалаштирилган.

### СУПЕРЛИГА ҚИЗИҚАРЛИ ТУС ОЛМОҚДА

Ўттиз олтинчи бор уюштирилаётган Ўзбекистон суперлигаси баҳсларида 16 та жамоа чемпионлик учун курашга киришган. Кеча мамлакат биринчилигининг 3-тур ўйинлари ортада қолди.



Фарғонадаги марказий “Истиклол” стадионида кечган “Нефтчи” ва “Андижон” ўртасидаги беллашувда амалдаги чемпион йирик ҳисобда ғалаба қозонди — 3:0. Тошкентда ўтган яна бир марказий баҳсда Тимур Кападез мураббийлигидаги “Навбахор” Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони “Пахтакор” устидан 2:0 ҳисобда устун келди. Маъқул натижа Наманган жамоасининг 1995 йилдан бери меҳмонда қўлга киритган илк ғалабаси бўлди. Шунингдек, дастлабки икки турда ғалаба қозонган “Бухоро” клуби ўз майдонида “Хоразм” жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Турнинг қолган беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: “Локомотив” — “Қўқон-1912” 0:0, “Сурхон” — “Бунёдкор” 0:0, “Машъал” — “Қизилқум” 0:2, ОКМК — “Сўғдиёна” 2:2, “Динамо” — “Насаф” 1:1.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## ИНВЕСТИОР ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-118-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бектўпи маҳалласи, Ал-Хоразмий 1-мавзе, 44-уйда жойлашган Чилонзор тумани ИИОФМБ 1-сонли ИИБ биноси ўрнидаги қурилиш умумий майдони 633 квадрат метр (0.063 га) бўлган бўш ер майдонида Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ходимлари учун кўп қаватли тураржой биносини “тайёр ҳолда топшириш” шартлари билан давлат-хусусий шериклиги асосида қуриш ва кўп қаватли тураржой биносининг биринчи ва иккинчи қаватларида Чилонзор тумани ИИОФМБ 1-сонли ички ишлар бўлими учун хизмат хоналарини жойлаштириш бўйича инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари мутасаддиларини ҳамкорликка тақлиф этамиз.

### Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади:

- 1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси;
- 2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ташкилий тузилиши бўйича маълумот;
- 3. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг охириги уч йиллик (2023, 2024 ва 2025 йиллар) молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (охирги уч йиллик “Ф-1”

ва “Ф-2” ҳисоботлари, пудрат шартномалари, объектни фойдаланишга топшириш бўйича нусхаларини илова қилиши шарт);

- 4. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- 5. Солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ишчи ходимлари тўғрисида маълумот (солиқ ҳисоботида кўрсатилган ишчилар сони “миллий меҳнат уз” базасига

(my.mehnat.uz) тўғри келишини исботловчи ҳужжатлари илова қилиш шарт);

- 6. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси ҳамда қурилиш техникаси ва кичик қурилиш механизмлари тўғрисида маълумот (техник паспортларнинг нусхалари бўлиши шарт);
- 7. Қурилиш режалаштирилган худудга лойиҳа тақлифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, “3D” кўринишда);
- 8. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда);
- 9. Қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноларидаги хонадонларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат тақлифи);
- 10. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биноси жойлашган худудда қўшимча равишда алоҳида трансформатор, автомобильлар тураржойи, чикинди ташлаш жойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт.
- 11. Тақлиф учун лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватлари-

ни ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим.

- 12. Маъқул шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари 2026 йилнинг 12 апрель кунига қадар танлов юзасидан тайёрланган ҳужжатларни топшириш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси. Телефон: 71-206-44-08.

### Қурилиши режалаштирилаётган объект манзили:

- 1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бектўпи маҳалласи, Ал-Хоразмий 1-мавзе, 44-уйда жойлашган Чилонзор тумани ИИОФМБ 1-сонли ИИБ биноси ўрнидаги қурилиш умумий майдони 633 квадрат метр (0.063 га) бўлган бўш ер майдони.

## 24 — 30 март кунлари Сурхондарё вилоятида ўқувчи қизлар ўртасида футбол бўйича «Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги кубоги» ўйинларининг республика босқичи бўлиб ўтади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Г — 342. 25 879 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бахромова. Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6